Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP — O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2012-yil, 24-aprel. Seshanba • 50 (31.482) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: Иш ва фаровонлик барча учун!








Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

# ҲАЁТИЙ ТАШАББУС, МАҚСАДЛИ ҲАРАКАТ

## *Электорат манфаатига хизмат қилаётган иқтисодий форумларга бугун шундай таъриф берилмоқда*

**ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Марказий банк, «Микрокредитбанк», Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тижорат банклари ҳамкорликда Булунғур туманида «Маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш — оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир» мавзусида иқтисодий форум ташкил этди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, ҳамкор ташкилотларнинг вилоят бўлими раҳбарлари, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва сиёсат соҳалари мутахассислари иштирок этди.

Бир томонда ўтган йили партиямиз саъй-ҳаракати билан тижорат банкларининг имтиёзли кредитларига эга бўлган, шунинг эвазига бугун оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини йўлга қўйган электоратимиз вакиллари, касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлар ўзлари ишлаб чиққан маҳсулотларни намойиш этмоқда, иккинчи томонда эса меҳнатга лаёқатли, аммо доимий иш ўрнига эга бўлмаган фуқаролар, жисмоний имконияти чекланган кишилар вилоятдаги мавжуд 13 мингга яқин бўш иш ўринлари билан танишмоқда. Бундан ташқари, кўчма Жамоатчилик қабулхонасида депутатлар электорат вакилларининг мурожаатларини тингламоқда...

— Анчадан бери кичкинтойлар учун юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлашни, шундай бир цех очишни орзу қилардим, — дейди форум иштирокчиси **Фарида Субонова.** — Ўтган йили отам газета орқали ХДП ташаббуси билан оилавий бизнесни йўлга қўймоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар ажратилаётганидан хабар топиб, партия фаолларига шу масалада мурожаат қилди. Муҳими, ҳаракатимиз эътиборсиз қолмади. Уларнинг кўмаги билан ўз фаолиятимизни ташкил этдик, бунинг учун 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдик. Ҳозир цехда оилавий меҳнат қиламиз. Бу йил ўртача 1200 дона маҳсулот тайёрлашни режалаштираяпмиз. Шу боис яқин орада қўшимча иш ўрни очмоқчимиз. Бугунги форумда эса ўзим ясаган болалар ўйинчоқлари кўргазмаси билан қатнашаяпман.

*(Давоми 2-бетда.)*

26 апрель — «Амир Темур» ордени таъсис этилган кун

# ХАЛҚИМИЗНИНГ МАНГУ ИФТИХОРИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Амир Темурнинг хотираси ва бой мероси тикланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1996 йил юртимизда Амир Темур йили, деб эълон қилинди ва Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилди.




Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги қонунига биноан «Амир Темур» орденининг таъсис этилиши бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуғ зотлар сиймоси ўз ифодасини топади.

«Амир Темур» ордени марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса бобомиз ҳаётда қатъий амал қилган шиор — «Куч — адолатда» сўзлари битилган. Бу ҳикматда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг бутун мазмуни мужассам, ҳаётий эътиқоди акс этган. Ушбу ҳикматда мамлакатимизда юритилаётган бугунги адолатли сиёсатнинг ҳам туб мазмун-моҳияти ўз ифодасини топган.

Ушбу орден билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шунингдек, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган юртдошларимиз ва мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

Фуқаролар билан бир қаторда, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам ушбу орден билан мукофотланиши мумкин.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилейи муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари «Амир Темур» ордени билан мукофотланди.

Самарқанд ва Шаҳрисабз миллатимизнинг мангу ифтихори бўлган Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида алоҳида ўрин тутади. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Бу шаҳарларда Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун ҳам юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур, хорижлик сайёҳларда эса катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қутлуғ тўйлари нишонланган бу шаҳарлар янада чирой очди. Меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ободонлаштирилиб, файзли зиёратгоҳларга айлантирилди. Янги, замонавий уй-жойлар, таълим, маданият муассасалари, йўлу кўприклар бунёд этилди, боғ-роғлар яратилди. Бундай эзгу ишлар кўлами янада кенгайиб бораётир.

2004 йил 13 июль куни ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу ғалаба халқимиз, миллатимиз номини янада юксалтирди. Ёш шахматчимизнинг бу юксак ғалабаси муносиб тақдирланди — Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан Р.Қосимжоновга «Амир Темур» ордени берилди.

Бундай улкан эътироф замирида юртимизда ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат-эҳтиром руҳида, она-Ватанга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш, ўз истеъдод ва иқтидорини намоён этиши, пухта таълим-тарбия олиши учун барча шароитларни яратиш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик мужассамдир.

«Амир Темур» ордени халқимизни янгидан-янги марраларга, ютуқларга ундовчи куч, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолаверади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Ижтимоий ҳимоя



# ИЧКИ ИШЛАР ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИГА

## *янги уйлар*

***Тинч, осойишта ҳаётимизга масъул бўлган ички ишлар тизими ходимларининг хизмат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу масалага ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омилларидан бири деб қаралади.***

***Куни кеча Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов вазирликнинг бир гуруҳ ходимларига янги хизмат уйлари калитларини топширди. Мирзо Улуғбек туманидаги вазирлик тасарруфига ўтказилган тўққиз қаватли уйда кенг таъмирлаш ишлари бажарилди, 36 нафар ходимнинг уй-жой шароитлари яхшиланди.***

4-бет

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

# ШУКРОНА

***Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 18 апрелда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони Ватанимиз тинчлиги, озодлиги йўлида жасорат кўрсатган фахрийларга кўрсатилаётган доимий эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.***

Фарғона вилояти Қува тумани Қайирма шаҳарчасида истиқомат қилувчи Эргашали Тошбоев Иккинчи жаҳон урушидан оиласи бағрига қайтгач, узоқ йиллар иқтисодиёт тармоқларида меҳнат қилди. Саккиз нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Бугун у эл-юрти ардоғида, фарзандлари бағрида фаровон ҳаёт кечирмоқда. 88 ёшни қаршилаган отахон ҳузурига ҳол-аҳвол, маслаҳат сўраб маҳалла аҳли, тиббиёт ходимлари тез-тез келиб туради.

— Бугунги тинч, фаровон кунларни кўриш насиб этганидан, беҳад хурсандман, — дейди Э.Тошбоев. — Зеро, тинчлик, осойишталик ҳукмрон, инсон қадри баланд мамлакатда яшаш — катта бахт.



***Суратда:*** *Эргашали Тошбоев набиралари (чапдан) Жавоҳир ва Асадбек билан.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Партиялараро баҳс

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎЗЛИДЕП ДЕПУТАТЛАРИ

## *ҳудудлар ривожига, электорат манфаатига хизмат қиладиган таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш ўрнига аксарият ҳолларда томошабин бўлиб туришни маъқул кўрмоқда. Нега?..*

2-бет

Илмий-амалий семинар

# МАТБААДА ИННОВАЦИОН КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИК

**Пойтахтимизда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий семинар шу мавзуга бағишланди.**

Унда институт ректори Қадам Жуманиязов ўзаро ҳамкорликнинг самаралари ҳақида тўхталди. Институтнинг профессор-ўқитувчилари, матбаа йўналишида таҳсил олаётган талабалар ва стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, янги инновацион ғояларни матбаа соҳасини янада ривожлантиришга кўпроқ татбиқ этиш кераклигини таъкидлади.

Жанубий Кореядаги «Джунгбу» университетининг профессори Ли Мин Хи ўз университетида хорижий талабалар учун яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар тўғрисида маълумот берди. Ҳозир университетда 150 нафар хорижлик талаба ўқиётганлиги, уларнинг атиги икки нафари ўзбекистонлик экани, «Джунгбу» ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўртасида имзоланган шартнома келажакда ўзбекистонлик талабаларнинг шу университетда кўпроқ ўқишига замин яратишига ишонч билдирди.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи бош директори Зоир Исажонов бугунги кунда ижодий уйда сиёсий ва бадиий китоблар, мактаб ўқувчилари учун дарсликлар, дафтарлар, 50 дан ортиқ газета, 10 дан зиёд журнал доимий нашр қилинаётгани ҳақида гапирди. У матбаа йўналиши бўйича Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу институт билан ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Илмий-амалий семинар матбаа ва ишлаб чиқариш ўртасида инновацион корпоратив самараларни янада оширишда, нашриёт-матбаа ижодий уйи билан институт ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда янги босқичнинг бошланиши бўлди.

**Абдумўмин БУЛАНОВ,**
**ТТЕСИнинг матбаа ишлаб чиқариш технологияси ва дизайни кафедраси мудири, доцент.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 24 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2432,19 | 1 Дания кронаси | 329,22 | 1 Хитой юани | 294,32 | 1 Туркия лираси | 1036,32 |
| 1 АҚШ доллари | 1856,15 | 1 БАА дирҳами | 505,36 | 1 Украина гривнаси | 232,43 | 1 Швейцария франки | 2038,83 |
| 1 Россия рубли | 62,87 | 1 Миср фунти | 307,11 | 1 Малайзия ринггити | 606,19 | 10 Жанубий Корея вони | 16,31 |
| 1 Австралия доллари | 1919,82 | 1 Исландия кронаси | 14,72 | 1 Польша злотийси | 585,59 | 10 Япония иенаси | 228,39 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2992,30 | 1 Канада доллари | 1867,54 | 1 СДР | 2867,40 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**ЎзХДП: Иш ва фаровонлик барча учун!**

# ҲАЁТИЙ ТАШАББУС, МАҚСАДЛИ ҲАРАКАТ

***Электорат манфаатига хизмат қилаётган иқтисодий форумларга бугун шундай таъриф берилмоқда***

— 2011 йили ХДП ёрдами билан Миллий банкдан 25 миллион сўмлик имтиёзли кредит олган эдим, — дейди **«Farog`at Safarova» хусусий фирмаси раҳбари Нафиса Ибрагимова.** — Бу эса оилавий миллий кийим-кечак ва бошқа тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона очишга имкон берди. Ўтган йили 8 та янги иш ўрни очдик. Ишлаётганларнинг аксарияти — коллеж битирувчилари. Бу йил фаолиятимизни янада кенгайтириб, кўпроқ ёшларни ишга жалб қилмоқчимиз. Бунинг учун ХДПнинг кўмагига таянамиз. Чунки бу партия бизга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Бугун ярмаркада 123 та бўш иш ўрни билан қатнашаяпмиз, — дейди **туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази гуруҳ раҳбари Шермамат Қулматов**. — Ярмаркада барча ташкилот ва корхоналарни жалб этганмиз. Улар таклиф этаётган иш ўринлари асосан коллеж битирувчилари ихтисослигига мўлжалланган. Ўтган йили ЎзХДП Булунғур туман кенгаши билан ҳамкорликда 6 марта шундай тадбир ташкил этдик. Уларда ҳаммаси бўлиб 797 нафар киши иш билан таъминланди. Шунингдек, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, меҳнатга лаёқатли бўлган жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг 383 нафари ишли бўлди.

— Иқтисодий форумларни ўтказишдан асосий мақсад, аввало, электорат вакилларининг ҳуқуқий ва иқтисодий билимини ошириш, шахсий, оилавий бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганларни банк тизимидаги имтиёз ва қулайликлар билан таништириш, уларга бу имкониятдан самарали фойдаланишида ёрдам беришдан иборат, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева.** — Бу — қишлоқ жойларда яшовчи аҳолини ер манбаларидан унумли фойдаланиш, чекка ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари очиш ҳамда кишилар даромади оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур форумлар доирасида ўтган йили 700 нафарга яқин ўз бизнес-режасига эга электорат вакиллари имтиёзли микрокредит олишди. 1400 га яқин янги иш ўрни очилди.

Бугунги форумнинг яна бир аҳамиятли томони, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган электорат вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшларнинг бизнес-лойиҳалари ўрганиб чиқилди ва уларнинг 100 нафарга яқинига имтиёзли кредит олиши учун сертификат топширилди. Ҳали ҳеч бир форумда бундай юқори кўрсаткич кузатилмаган. Бу ҳам жойларда одамларнинг ХДПнинг мазкур лойиҳасига бўлган қизиқиши ва ишончи ортиб бораётганидан дарак беради.

— Бугунги анжуманнинг қимматли томони, жамиятимиз ҳаётида ниҳоятда муҳим бўлган аҳолини иш билан банд этиш масаласига қаратилган, — дейди **ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков.** — Баъзи сиёсий партиялар нашрларида эълон қилинаётган мақолаларда эса бу ишларга нохолис муносабат билдирилмоқда, уларнинг фикрича гўё ЎзХДП бировлар ишига шерик бўлаётган эмиш. Бир нарсани тўғри тушуниш керак, партиямизнинг дастурий мақсадларида меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан таъминлаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилган. Ўтган йили партиямиздан сайланган депутатлар ҳукуматнинг бандлик дастурининг жойлардаги ижроси бўйича Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ҳисоботини тинглади ва шундан келиб чиқиб, унга ўз таклифларини киритди. Айниқса, бунда коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилди.

Бундан ташқари, бандлик дастури очиқ дастур ҳисобланади. Унда яратиладиган янги иш ўринлари аниқ белгилаб қўйилгани билан, қўшимча масалалар киритиш, шу йўналишда бошқа амалий ишлар қилиш чекланмаган. Шу маънода, ЎзХДП ташаббуси билан тизимли равишда деярли барча ҳудудларда ўтказиб келинаётган иқтисодий форумлар, жумладан, бугунги тадбир ҳам ана шундай амалий ишлар қаторига киради.

— ЎзХДП Марказий Кенгашининг ҳамкорликда иқтисодий форумлар ўтказиш таклифи Марказий банк томонидан қўллаб-қувватланганини бежиз эмас, — дейди **Марказий банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш департаменти директори Актам Сайфуллаев.** — Боиси, шу туфайли ўз шахсий ва оилавий бизнесини ташкил этмоқчи бўлган кишилар банкларда улар учун қандай қулайлик ва имтиёзлар яратилганидан бохабар бўлишади. Чунки жойлардаги учрашувларда кўпчилик бу ҳақда етарлича маълумотга эга эмаслиги ойдинлашмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, Марказий банкнинг қайта молиялаш миқдори 14 фоиздан 12 фоизга туширилганини таъкидлаш жоиз.

Эндиликда банкдан ҳисоб-рақам очиш ҳам мутлақо бепул амалга оширилади. Авваллари энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида ҳақ ундирилган. Шунингдек, кредит аризаларини кўриб чиқиш муддати 10 кундан 3 кунга қисқартирилди. Бугунги форум иштирокчилари ўзлари учун шу каби қимматли тушунчалар олишди.

— Оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, қорамолчиликни йўлга қўйиш мақсадида ХДП фаолларига ўз бизнес-лойиҳамни тақдим этгандим, — дейди ёшлардан яна бири **Лазиз Қаюмов.** — Унинг истиқболли деб топилиши мени қувонтирди. Бошланғич сармоя сифатида 10 миллион сўмлик сертификатни қўлга киритдим.

— Бугунги тадбир менда унутилмас таассурот қолдирди, — дейди **Санжар Қувонов.** — Дастлаб, менинг оилавий паррандачиликни ташкил этиш бўйича тузган бизнес-лойиҳам қўллаб-қувватланишига унчалик ишонмадим. Шундан бўлса керак, сертификат олганларнинг номи бирма-бир эълон қилинганда ўз исми-шарифимни эшитиб, ҳаяжонга тушдим. Чунки шу 3 миллион сўмлик имтиёзли кредит ишимни бошлаш учун пойдевор бўлади.

Бу каби фикрларни, самимий миннатдорлик сўзларини тадбир қатнашчилари, айниқса, сертификат соҳиби бўлган электоратимиз вакиллари, ёшларнинг ҳар биридан эшитиш мумкин. Бу ҳам форумни ўтказишдан кўзланган мақсадга эришилганини кўрсатиб турибди.



*(Давоми. Боши 1-бетда.)*

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

**ЎзХДП: маҳаллий Кенгашларида**



# АМАЛИЙ ИШЛАР КЎПРОҚ БЎЛИШИ

***партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ва бошланғич ташкилот ҳамкорлигига боғлиқ***

**ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда 2011 йил вилоятдаги партия ташкилотлари амалга оширган ишлар, ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди ва жорий йилдаги вазифалар белгилаб олинди.**



**Иброҳим ЁҚУБОВ,**
***ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати:***

— Партиямизнинг Ҳаракат дастурида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш бўйича қилинадиган ишларга муносиб ҳисса қўшиш белгилаб қўйилган. Ўтган йили бу борада муайян ишлар қилинди. Электорат вакиллари манфаатини самарали ҳимоя этиш мақсадида Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти изчил йўлга қўйилди. Чекка қишлоқларда кўчма Жамоатчилик қабулхоналари уюштирилди. Партия ташкилотларининг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада депутатлик гуруҳлари анча фаоллашди. Термиз, Шўрчи ва Қумқўрғон туман партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурлар ижроси, истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш масаласини ўрганиб чиқди. Узун, Қизириқ ва Олтинсой туманларида эса касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича қилинган ишларни таҳлил қилди. Бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар сессиялар муҳокамасига киритилди. Аммо Шўрчи, Сариосиё, Денов ва Бойсун туманларидаги депутатларимиз бу борада сусткашликка йўл қўйди, уларда фаоллик ва ташаббускорлик етишмади.

Бунинг сабаби нимада? Тўғрисини айтиш керак, айрим депутатларимиз ҳамон ўз бурчига лоқайд қарамоқда, бугун партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига ҳаётнинг ўзи юклаётган юксак вазифалардан тегишли хулоса чиқариб олмаяпти.

Жорий йилда олдимизда янада катта вазифалар турибди. Хусусан, ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари очиш борасида мутасадди ташкилот ва идоралар олиб бораётган ишларни изчил мониторинг қилиш режалаштирилган. Бу вазифалар ижроси қай даражада бўлиши партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари, бошланғич ташкилотлар ҳамжиҳатлигига боғлиқ. Биз улар ўртасида мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш орқали мақсадга эришишимиз мумкин.

**Акбар КАРИМОВ,**
***вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари:***

— Электорат билан ишлаш ва ишимизнинг самарадорлигини оширишда бошланғич ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Шу боис, бугун қуйи бўғин ишини жонлантиришга жиддий эътибор беришга тўғри келаяпти.

Айни кунда вилоятда 33 минг нафардан ортиқ партиямиз аъзоси бор. Улар 742 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш учун, аввало, уларда салоҳиятли, изланувчан, билимли етакчилар сафини кенгайтиришимиз лозим. Айтиш жоизки, бу борада Термиз, Музработ, Олтинсой, Жарқўрғон, Денов туманлари ва Термиз шаҳрида яхши тажриба тўпланган. Бу ҳудудларда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувларнинг аксарияти бошланғич ташкилотларда ўтказилмоқда. Унда кўпчиликни қизиқтирган мавзулар таҳлил этилмоқда, маърифий аҳамиятига эътибор қилинмоқда. Натижада, партия аъзоларида ижтимоий-сиёсий фаоллик кучайиб, хайрихоҳларимиз сафи кенгаймоқда. Бироқ камчиликларимиз ҳам оз эмас. Масалан, Узун, Қизириқ ва Бойсун туманларида бу масалага етарлича эътибор берилмаяпти.

Биз ҳозир бу туманларда партия фаолларининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш тажрибасини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратаяпмиз. Аммо туман кенгашлари ва қуйи бўғин етакчиларининг ўзларига ҳам кўп нарса боғлиқ. Улар кўрсатма кутиб ўтирмай, партиямиз Дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ташаббус билан ишлашлари керак.

**Бахтиёр ТОҒАЕВ,**
***Денов тумани бирлашган шифохонаси БПТ етакчиси:***

— Бугун бошланғич ташкилотлар фаолияти партиямиз маҳаллий кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳларига уйғун ҳолда кучайиши лозим. Бу — қуйи бўғинларда ишни тўғри ташкил этишда улар интилишга мос усуллардан фойдаланишини талаб этади.

Ўтган йили репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга бағишланган кўпгина тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказдик. Уларда партия фаоллари билан бирга, шу соҳанинг билимдон мутахассислари иштирок этиб, ўз мулоҳазаларини билдиргани тадбирлар таъсирчанлигини оширди.

Жорий йилда бу борадаги ишимизни янада такомиллаштиришга интилаяпмиз. Тадбирларда соҳа мутахассислари билан бирга, депутатлар, олимлар, халқаро шарҳловчилар иштирокига кенг ўрин берамиз. Чунки шу орқали аъзоларимиз дунёдаги ўзгаришлар, оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинаётган қонун ва қарорлар моҳияти ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлади. Уларда ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси кучаяди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Партиялараро баҳс**

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎзЛиДеП ДЕПУТАТЛАРИ

***ҳудудлар ривожига, электорат манфаатига хизмат қиладиган таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш ўрнига аксарият ҳолларда томошабин бўлиб туришни маъқул кўрмоқда. Нега?..***

**Мамлакатимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик ислоҳотлар маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам катта вазифалар юкламоқда. Электорат вакиллари ўйлантираётган масалаларни атрофлича ўрганиб, уларни бартараф этиш чораларини излаш, маҳаллий ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида таклиф ва ташаббус билан чиқиш ҳар бир депутатнинг вазифасидир. Шунда жойларда юзага келаётган муаммо ва камчиликлар барҳам топади, эзгу интилишлар рўёбга чиқади ва турмуш фаровонлиги ошади, сайловчилар ишончи оқланади, партиянинг жамият ҳаётида тутган ўрни, таъсири ва мавқеи ортади.**

Аммо ҳамма депутат ҳам ўз бурчига масъулият билан ёндашаяпти, сайловчилари манфаатини ифода этадиган амалий ишлар қилаяпти, деб бўлмайди. Келинг, кузатишимизни Жиззах шаҳар Кенгашидаги депутатлар фаолияти мисолида таҳлил этайлик.

Шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан 12, ЎзЛиДеПдан 9, «Миллий Тикланиш» партиясидан 5, «Адолат» СДПдан эса 4 нафар депутат сайланган. Сайлов арафасида ҳар бир партия энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаш учун ўз Сайловолди дастури, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот олиб борган. Сайловчиларга катта-катта ваъда берган. Одамлар эса ўз орзу-ҳаваси рўёби, оиласи фаровонлиги, яшаб турган ҳудуди тараққиёти учун курашишига ишонч билдириб, номзодга овоз берган. Хўш, ўша ишончга сазовор бўлган депутат бугун нима иш қилмоқда?

**ЎзХДП меҳнатга қобилиятли аҳолини иш билан бандлигини таъминлашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Бандлик масаласи, айниқса, ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялашда ўта муҳим аҳамиятга эга.** ЎзХДП шундай деб билгани учун қатор ташаббусларни илгари сураяпти. Меҳнатга лаёқатли кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларни доимий иш билан таъминлаш борасида хайрли ишлар қилаяпти. Жумладан, жойларда ўтказилаётган иқтисодий форумлар ва «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида ўтказаётган тадбирлар электорат вакилларининг оилавий бизнесини йўлга қўйишига хизмат қилаяпти, уларга кўмак бераяпти, деб айтиш мумкин.

Жиззах шаҳар Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутатлар ҳам партия дастурий вазифалари ижросига эътибор қаратиб келмоқда.

**2011 йили шаҳар Кенгашида бўлиб ўтган сессияларда ЎзХДП вакиллари 2 та масалани ўрганиб чиқиб, сессия муҳокамасига киритган.**

Партия Ҳаракат дастурига асосан депутатлар инвестиция асосида ташкил топган ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиб, мавжуд имконият ва шарт-шароитдан тўлиқ фойдаланиш бўйича амалий таклифлар киритган.

— Ўтган йили шаҳарда 116 та хизмат кўрсатиш объекти ишга тушди, — дейди **шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП фаоли Саидазим Содиқов**. — Уларнинг фаолияти билан яқиндан танишгач, савдо маданиятини ошириш, пластик карточка билан савдо қилиш бўйича эътибор қаратиш лозим бўлган ишлар ҳали кўп эканига амин бўлдик. Депутатлик гуруҳимиз бу борадаги муаммоларни бартараф этиш учун таклиф тайёрлади ва сессия муҳокамасига олиб чиқди. Шу асосда сервис хизматини ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди ва қарор қабул қилинди.

— Шаҳар аҳолисини иссиқ сув ва марказлашган иситиш тизими билан таъминлашни янада яхшилаш масаласи дастлаб партия фаоллари ва депутатлар йиғилишида муҳокама этилди, — дейди **шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси Эргаш Жўраев.** — Ишчи гуруҳи мутахассислар билан бирга, 18 та объектда бўлиб, кўп қаватли уйлар ва иншоотларнинг иситиш тизими талабга қай даражада жавоб бериши, хусусан, таълим муассасаларининг куз ва қиш мавсумига тайёргарлигини атрофлича ўрганишди. Айрим жойларда иситиш тармоқлари таъмирталаб экани аниқланди. Бу камчиликлар депутатлик гуруҳлари томонидан бир неча бор кўриб чиқилди ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар умумлаштирилиб, сессия кун тартибига киритилди.

**Шунингдек, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари йиғилишларида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 3 та масала кўриб чиқилди. Демак, ЎзХДП вакиллари сайловчилар билдирган ишончни амалий иш билан оқлашга ҳаракат қилаяпти. Аммо бошқа партиялар-чи? Уларнинг шаҳар Кенгашига сайланган депутатлари қандай таклифлар билан чиқмоқда?**

Ўтган йили бўлиб ўтган сессиялар кун тартибига бошқа сиёсий партиялар, тўғрироғи, ЎзЛиДеП ва «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари, қарангки, бирон-бир масала киритмаган.

Юқорида туман Кенгаши депутати Саидазим Содиқов хизмат кўрсатиш объектларидаги айрим камчиликлар ҳақида тўхталиб ўтди. Яъни, аҳолининг савдо маданиятини ошириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини йўлга қўйиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар кўплиги таъкидланди. Бу масалани чуқур ўрганиш ва муаммони бартараф этиш учун ҳаракат қилиш, аслида, либералларнинг вазифаси эмасми?

Шунингдек, якка тадбиркорлар орасида рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини бошлаган, аммо кўп ўтмай ёпилиб кетаётганлари оз эмас. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя қиламиз, деб енг шимарган либераллар эса бу масалада ҳам сукут сақламоқда. Агар, улар ўз вазифаси ёки электорат манфаати ҳақида ўйлаганида тадбиркорлар дуч келаётган муаммоларни чуқур ўрганиб, сессиялар муҳокамасига олиб чиққан бўларди.

Бу сусткашлик сабаблари нимада? Бизнингча буни, аввало, Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши раиси А.Қобилов (ЎзМТДП аъзоси) депутатлик гуруҳларига етарли даражада талабчанлик қилмаётгани билан изоҳлаш мумкин. Иккинчидан, бу ҳолат ЎзЛиДеП шаҳар Кенгаши ўз депутатлари фаолиятига лоқайд қараётганини кўрсатади.

«XXI аср» газетаси баландпарвоз гаплардан кўра, шу каби муаммоларни таҳлил этса, бунга партия етакчилари эътиборини қаратса, депутатларни астойдил ишлашга ундаса, фойдали бўлмасмиди...

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбиркорлик тузилмалари захираларидан фойдаланишни янада кўпроқ рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш, шу асосда маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва сифатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини ўстириш бўйича янги ташаббуслар илгари сурилишини талаб этади...

Жиззах шаҳрида бу борада қатор истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лекин бунда либераллар иштироки сезилмаётир.

Ҳар бир сиёсий партия, депутат ўз зиммасига қандай вазифалар олишни ўзи белгилайди. Сайловчилар олдида нима деб ҳисоб беришни ҳам ўзи ҳал этади. Аммо сиёсий партиянинг, депутатнинг фаолиятига баҳони одамлар беради. Баҳо эса ваъдага қараб эмас, қилинган амалий ишларга қараб берилади.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

# ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ: 2012 - 03

2012 йил 21 апрелда чиқарилган.

Заём № 2775-UZB: «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури»

1.Ўзбекистон Республикаси учун **«Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши инвестиция дастури» (ҚЖУЖҚИД)** бўйича молиялаштиришнинг мультиранш механизми ва харажатларни молия билан таъминлашга Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг оддий капитал маблағлари ҳисобига молиявий воситачиликка заём берилади. Мазкур заём маблағлари қишлоқ жойлардаги уй-жойларнинг тасдиқланган харидорлари томонидан қуйида кўрсатилган лотлар учун тузилган шартномалар бўйича тўловларни қоплашда фойдаланилади. Шартноманинг қоида ва шартлари ҳамда ушбу шартномалар бўйича тўловлар ўз-ўзидан Осиё тараққиёт банки билан заём тўғрисидаги Битимнинг барча қоидалари ва шартларига, шу жумладан, Сотиб олиш бўйича қўлланмага мос келиши лозим. Танлов асосидаги савдо ОТБ малакавий шартларини қондирадиган мамлакатлардан бўлган савдо иштирокчилари учун очиқ.

2.Танлов асосидаги савдода иштирок этиш учун тендернинг ҳуқуқий ваколати бўлган оферентларидан қуйидаги лотлар бўйича мухрлаб ёпиштирилган пакетларда қабул қилинади. Тендер савдосига фақат давлат идораларида рўйхатга олинган ва тендер ҳужжатларининг 3-бўлимига мувофиқ баҳолашнинг асосий талаблари ва малака мезонларига жавоб бериб, ҳуқуқий ваколати бўлган савдо иштирокчиларигина қўйилади. Савдо иштирокчилари тендер савдосида иштирок этиш юзасидан қарор қабул қилиш учун тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқишлари лозим.

3.Келгусида ахборот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиб чиқиш учун савдо иштирокчилари Қишлоқ қурилиш инвест (ҚҚИ)нинг тегишли ҳудудий бўлими билан боғланиши даркор:

| ҚҚИ Андижон филиали | ҚҚИ Бухоро филиали | ҚҚИ Навоий филиали | ҚҚИ Самарқанд филиали |
|---|---|---|---|
| **Манзил**: Андижон ш., А.Фитрат кўчаси, 239-А. | **Манзил**: Бухоро ш., Навоий кўчаси, 6. | **Манзил**: Навоий ш., Ғалаба кўчаси, 149. | **Манзил**:Самарқанд ш., Бўстон Сарой кўчаси, 85-А. |
| **Телефон:** + 8 (374) 225-48-79. | **Телефон:** + 8 (365) 223-29-57. | **Телефон:** + 8 (436) 224-73-66. | **Телефон:** +8 (366) 235-07-65. |
| **Факс:** + 8 (374) 225-48-79. | **Факс:** + 8 (365) 223-29-57. | **Факс**: + 8 (436) 224-73-66. | **Факс:** +8 (366) 235-07-65. |
| **Эл. почта**: and_invest@inbox.uz | **Эл. почта**: buxinvest@mail.ru | **Эл. почта**: a_akmaljon@mail.ru | **Эл. почта**: nodirjon7729@mail.ru |

4.Рус тилидаги тендер ҳужжатларини олиш учун савдонинг ҳуқуқий ваколати бўлган иштирокчилари юқорида кўрсатилган манзилга хат жўнатишлари ва унга банкдан 65 000 сўм миқдорида қопланмайдиган тўлов тўғрисидаги ҳужжатни илова қилишлари керак.

5.Ҳужжатларнинг бир тўплами учун тўловнинг қопланмайдиган миқдорини «Қишлоқ қурилиш инвест» ИКнинг банк ҳисоб-рақамига киритиш лозим. Қуйида банк рақамининг реквизитлари келтирилади:

| ҚҚИ Андижон филиали ҳисоб-рақами | ҚҚИ Бухоро филиали ҳисоб-рақами | ҚҚИ Навоий филиали ҳисоб-рақами | ҚҚИ Самарқанд филиали ҳисоб-рақами |
|---|---|---|---|
| **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк» | **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк» | **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк» | **Банк:** «Қишлоқ қурилиш банк» |
